



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192

28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислон Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Раҳматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293




Бахыт Абдикеримович Кошанов,
Қорақалпоқ давлат университети
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихи кафедраси,
тарих фанлари доктори, профессор
k_baxit58@mail.ru

Ҳакимбай Максетбаевич Отегенов,
Қорақалпоқ давлат университети
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Гулчехра Медетбаевна Ержанова,
Нукус давлат педагогика институти
докторанти

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

For citation: Bakhyt A. Koschanov, Hakimbay M. Otegenov, Gulchehra M. Yerzhanova, ACTUAL PROBLEMS OF HISTORIOGRAPHY OF KARAKALPAKSTAN. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.79-86

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485274>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қорақалпоғистон тарихшунослигининг мустақиллик даврида ютуқлари баён қилиниб, келажакда тарих фани олдидаги долзарб муоммалар кўрсатилиши ўтган. Жумладан, XX аср ва XXI аср бошидаги улкамиздаги тарихий воқеалар халигача ўз ифодасини тарихчилар мақолалари ва китобларида тўла очилмагани, архив ҳужжатлари муомалага киритилмагани айтилади.

Калит сўзлар. Қорақалпоғистон, XX аср, XXI аср бошлари, тарихшунослик, тарихчилар, тарихий воқеалар, концепциялар, тарихий шахслар.

Бахыт Абдикеримович Кошанов,
Каракалпакский государственный университет,
профессор кафедры истории Узбекистана и Каракалпакстана
доктор исторических наук, профессор

Ҳакимбай Максетбаевич Отегенов,
Каракалпакский государственный университет,
доцент кафедры истории Узбекистана и Каракалпакстана,
доктор философии по истории (PhD)
Гулчехра Медетбаевна Ержанова,
докторант Нукусского государственного педагогического института

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСТОРИОГРАФИИ КАРАКАЛПАКСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье воздавая должное достижениям историографии Каракалпакстана, показаны актуальные проблемы исторической науки в перспективе. В частности, в статьях и книгах историков не нашли отражения исторические события в крае в XX веке и в начале XXI века, не введены в научный оборот архивные документы.

Ключевые слова. Каракалпакстан, XX век, начало XXI века, историография, историки, исторические события, концепции, исторические личности.

Bakhyt A. Koschanov,

Karakalpak State University,
Professor of the Department of History
of Uzbekistan and Karakalpakstan
Doctor of Historical Sciences, Professor

Hakimbay M. Otegenov,

Karakalpak State University, Associate Professor
of the Department of History of Uzbekistan and
Karakalpakstan, Doctor of Philosophy in History (PhD)

Gulchehra M. Yerzhanova,

doctoral student of the
Nukus State Pedagogical Institute

ACTUAL PROBLEMS OF HISTORIOGRAPHY OF KARAKALPAKSTAN**ABSTRACT**

In the article, paying tribute to the achievements of the historiography of Karakalpakstan, the actual problems of historical science in the future are shown. In particular, historical events in the region in the 20th century and at the beginning of the 21st century were not reflected in the articles and books of historians, archival documents were not introduced into scientific circulation.

Index Terms. Karakalpakstan, XX century, beginning of the XXI century, historiography, historians, historical events, concepts, historical figures.

Кириш қисми (Introduction)

Халқимиз ва давлатимизнинг ўз тарихига бўлган қизиқишларини эътиборга олган ҳолда 2000 йилда «Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-3 китоб», 2003 йилда «Қорақалпоғистоннинг янги тарихи. Қорақалпоғистон XIX асрнинг иккинчи ярмидан XXI асргача» академик монографиялар нашр этилди. 2001 йилда академик С.К.Камаловнинг «Қорақалпоқларнинг халқ бўлиб шаклланиши ва унинг давлатчилиги тарихидан» китоби республика Бердақ номидаги мукофотини олишга сазовор бўлди. М.Мамбетуллаев, М.Тўребеков, О.Юсуповларнинг «Қорақалпоғистон тарихи» китоби, Б.А.Кошанов ва Т.А.Аметовларнинг «Очерки новейшей истории Республики Каракалпакстан» китоби чоп этилди. Албатта, улар халқимиз тарихини ўрганиш ва уни тўлдириб боришда катта аҳамиятга эга.

Асосий қисм (Main part)

Қорақалпоғистон тарихини ўрганишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим. Қорақалпоғистон халқлари энг қадимий халқлардан бўлиб, улар дунёвий маданиятда ўзига хос ва бетакрор тарихига эга. Халқимизнинг тарих саҳифаларини варақласак, биз унда инсон учун, айниқса ёшлар учун сув билан ҳаво қай даражада зарур бўлса, шундай зарур бўлган ва танпарварлик ва байналмилал, қаҳрамонлик ва меҳнатсеварлик, инсонийлик ва одоб-ахлоқ, дўстлик ва ҳамжихатлик, ҳақиқат ва меҳр-шафқат, маданиятчилик ва камтарлик ғояларини кузатамиз.

Халқимизнинг бой тарихий тажрибаси ҳозирги ва келгусидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш вазифаларини тўғри белгилаш ва аниқлашда муҳим аҳамият

касб этади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз «Ўтмишингни бил, ҳеч бўлмаса етти отангни бил» дея насиҳат қилишган. Бу ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлган.

Қорақалпоғистон солномаси фани олдида турган **асосий вазифалар** қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мутахассис тарихчи кадрларга чуқур миллий ва умуминсоний, тарихий, ғоявий, сиёсий, илмий-назарий дунёқарашни сингдириш, шу мақсад йўлида тарих фанини кенг ўргатиш.

Иккинчидан, инсондаги миллий мафкура, ғурур ва ўзлик, миллий виждон ва умуминсоний баркамолликни тарбиялаш.

Учинчидан, Ватанни севиш ва ҳарбий жасорат, Ватанга садоқатни тарбиялаш.

Тўртинчидан, миллий ва тарихий кадриятларни асраб-авайлаш руҳини сингдириш, уларда олий психологик фазилатларни тарбиялаш.

Бешинчидан, Ватан ва халқ, миллат, ота-она, фарзанд, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларни чуқур ҳис қилиш ва уларга содиқ руҳда тарбиялаш.

Солнома–энг аввало, тарихни илмий билиш тарихидир. Ривожланишдаги энг янги давр Қорақалпоғистон солномаси фани мазкур фаннинг предмети ҳисобланади.

Ҳаёт тарих фани учун кўпгина саволларни бериш ҳуқуқига эга, тарих фани эса ҳаётнинг бу саволларига жавоб бериши шарт. Шундай бўлсада, бу саволларга жавоб бериш учун яқин ўтмишни ўрганганда ҳар сафар энг янги тарих даврининг дастлабки йилларидан бошлаб янгидан ёзиш, яъни презентизм ғоясига биноан ҳар бир авлод ўзлари учун янги тарих ёзиши шарт эмас, уни ўзларининг талабларига мос ўзгартириш мумкин эмас.

Тарихчи тарих фанининг олдинги даврларида тўпланган муайян материалга эга бўлиб, бу материал фактлар, концепция вахулосалардан иборат бўлади. Уларни тўлиқ инкор этмасдан ичидаги муҳим концепция ва хулосаларни асраб қолиш керак. Масалан, иккинчи жаҳон уруши давридаги тарихий воқеалар ва хулосалар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ. Жамоатчилик ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб ўзининг яқин ўтмишига сайланма тарзда кизиқишини унутмаслигимиз даркор.

Шунингдек, янгидан пайдо бўлган муаммолар тарих фанида чуқур ўзгаришларга олиб келади, янги соҳалар пайдо бўлади, бошқа фанлар билан алоқа кучаяди. Масалан, экология тарихи, иқтисодий тарих, сиёсий тарих, социология ва бошқалар.

Муаммоларнинг кўплиги ва кенгайиши тарих фани тарихий манбаларининг кенгайишига олиб келади. Қорақалпоғистон солномасини тадқиқ этишда тарихий манбаларнинг кўплигини таъкидлаш лозим, бу кенгликда биз янглишиб қолишимиз ҳам мумкин. Шу боис тарихий манбаларнинг аҳволи, уларнинг воқеаларни объектив тарзда акс эттириши муҳим омил саналади, чунки тарих фани конкрет фандир. Тарих фанининг хулоса ва концепциялари қатъий ўрганилган маълумот негизда пайдо бўлади. Шунинг учун тарихий фактни чуқур қиёслаб, аниқлаштириш зарур.

Қорақалпоғистон солномасига оид дастлабки ишларни 1960 йиллар охирида чоп этилганлигини таъкидлаш жоиз. А.И.Зевелевнинг [1] монографиясида 1917-1920 йиллардаги Ўрта Осиёдаги тарихий воқеаларнинг тарихчилар асарларида акс этиши, олимларнинг концепциялари таҳлил қилинган. «Босмачилар ҳаракати», «совет ҳокимиятининг тантанали юриши» концепциялари ҳозирги замон талабига жавоб бермайди. Шунингдек, энг янги давр Қорақалпоғистон солномаси бу китобда ўзининг тўғри баҳосини топа олмади.

1970 йилда машҳур тарихчилар М.Ахунова ва Б.Лунилар Ўзбекистонда тарих фанининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида қисқача очеркини ёздилар [2]. Муаллифларнинг қорақалпоқ, қозоқ, ўзбек ва туркман тарихшуносларининг Оролбўйи халқларининг тарихига доир ишларини таҳлил қилганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Аммо, муаллифларнинг коммунистик мафкура доирасидан чиқа олмасдан воқеаларни расмий солнома нуқтаи назаридан ёзганлиги китобнинг қимматини тушириб юборди.

Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан Оролбўйи халқларининг капитализм босқичидан сакраб бирданига социализмга ўтиш концепцияси Ф.Х.Касимовнинг [3] монографиясида келтирилган. Муаллиф хорижий тарихчилар ишларини ҳам таҳлил қилади.

Лекин муаллиф ўша даврдаги ўзининг хулоса ва баҳолашидан ҳозирги кунда бироз бош тортмоқда. Шунингдек, Р.Раджапова ва Ф.Чеботареванинг [4] партия тарихи солномаси бўйича чоп этган китобида асарларнинг номларини кўрсатиб ўтишдан бошқа ютуғи йўқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Қорақалпоғистон солномасида солномага оид асарни илк марта К.Б.Мухамедбердиев яратди [5]. Ўша даврда урф бўлган солномада Ленин тўғрисидаги масалаларга асосий эътибор қаратилиб, К.Б.Мухамедбердиев Орол бўйи халқлари солномасининг муаммоларини белгилашга ҳаракат қилди. Лекин бу асар шунчаки юзаки ёзилган асар ҳисобланади.

“Қайта қуриш” даврининг ютуғи сифатида биз Қурбанбай Ўтеповнинг 1988 йилда чоп этилган асарини кўрсатишимиз мумкин. Китобнинг номи ҳам, мазмуни ҳам, асосий бўлимлари ҳам муаллифнинг Оролбўйи халқлари солномасини тўғри тушунмаганлигидан далолат беради. Шундай бўлсада тарих фанининг шаклланиш босқичлари, ривожланиш тенденциялари китобда яхши ёритиб берилган [6].

Шунингдек, Оролбўйи халқлари солномаси бўйича С.К.Камаловнинг журналларда чоп этилган мақолаларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонлик тарихчилар XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигидаги тарих фанининг солномага оид очеркларини яратди. Миллий-давлатчилик бўйича, аграр муаммо, этнология, археология солномаси тўғрисидаги муаллифларнинг қарашлари эътиборга моликдир [7]. Д.А.Алимованинг икки жилдик монографияси солнома бўйича яратилган замонавий асарлардан бири ҳисобланади [8].

XX аср бошларидаги Туркистон ўлкаси Амударё бўлими тарихини тадқиқ қилиш Г.Ахмеджановнинг монографиясида озми кўпми баён қилинган [9].

Шу билан бирга, солнома бўйича сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўтказиб келинаётган илмий анжуман материаллари «Қорақалпоғистон солномаси (энг янги давр)» предметини чуқур тушунишда ёрдам беради [10].

Б.Кошанов ва А.Жумашев Туркистон, Хоразм ва Қорақалпоғистон халқларининг XX асрнинг биринчи чорагидаги солномасига оид китобни 1997 йили нашр қилдириб, бунда ватан солномасининг муваффақиятлари билан бирга камчиликларини ҳам кўрсата бериб, илк марта хориж солномасида таҳлил қилди [11].

Тарихчилар олдида турган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Халқ қўзғолонлари тарихи бўйича номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинсада, жамоатчилик қорақалпоқ тилида уларнинг ишлари билан таниш эмас.

- Машҳур тарихчилар кучи ёрдамида Абдижалил Исметуллаев оқланди, лекин Авазжан хўжа, Убайдулла Баўетдинов (Хан мақсим), Барлиқбай бўлис ва бошқаларнинг исм-шарифи, фаолияти жамоатчилик олдида оқланганича йўқ.

- XX асрда ўлкамизда тарқалган миллий-озодлик ҳаракати тарихи бутунлигича тўла акс эттирилиб, монография тарзида жамоатчилик назарига тавсия этилиши керак.

Қорақалпоғистонда совет тузуми йилларида қатағонлик тарихини даврлаштириш ҳалигача тўғри амалга оширилмаган. Бизнингча, қуйидаги қатағон йилларини алоҳида таъкидлаш жоиз:

1917-1920 йиллар: Убайдулла Бауеддинов (Хан Мақсим), Қутлимурат бий (Бала бий), Инаят бўлис Ниязов, Ибрайим Адиллов, Сейтназар Пирназаров ва бошқалар;

1920-1925 йиллар: Аллаяр Досназаров, Сейилхан Сарсенбаев, Менглихўжа Ибниаминов, Абу Қудабаев, Ибрайим Бекимбетов, Ержан Кожуров, Жума Аташев, Асан Айтешов, Тажим Непесов, Ўтенияз Бекимбетов, Файзулла Маткаримов, Қарабай Ерманов ва бошқалар;

1926-1930 йиллар: Абдижалил Исметуллаев, Асқар Урумбаев, Мамбеткарим Беканов, Хожамет Ерназаров, Оразимбет Айтешов, Нажим Ибрагимов, Пахраддин Мунайдаровлар, Сейдғалий Ағайдаров, Каримберди Садуллаев, Инаят эшон Бахаўатдинов, Халила охун Атаўлиев, Пахратдин эшон Мунайдаров, Тансиқ хўжа Урумбаев, Каримберди охун Нуруллаев, Шиникул Аманбаев, Ахмед Бурнашев, Айтжан Нуралиев, Байнияз Матушев, Сейтжан Даўкеев, Жақсим Гуликеев, Атир Қурбанбаев ва бошқалар;

1930-1936 йиллар: ҚасимАўезов, Қазақбай Аллабергенов, Жақсимурат Жаналиев, Пиримбет Тўреев, Ҳаким Насуруллаев, Бекжан Таниев, Ж.Рахметуллаев, Хожан Абдихаликов, Х.Темирханов, П.Ишимбетов, К.Шахмуратов ва бошқалар;

1937-1938 йиллар: Ислам Алиев, Даўлет Рзаев, Каримберди Балтаев, Г.Ф.Квачев, Камилжан Алимов, З.Ж.Сарсенбаев, А.Куленов, Жумабай Қурбанов, Кўптилеў Нурмухаммедов, А.Бекмуратов, А.Алимухаммедов, И.Исахаммедов, Т.Низаматдинов, С.Тўреев, И.И.Данчик, Калимулла Бажанов, А.Пирназаров, С.Айтбаев, И.Бекбаулиев, Х.Якупов, О.Пилманов, С.Кличев, Б.Сеидрасулиев, П.Тўреев, И.Мусаев, А.Айтешов, М.Жақсимуратов, С.Қарабаевлар, С.Нуржанов, А.Нигматуллаев, А.Ташенов, Ж.Қаллибеков, П.Мусаев, Бавгагаев, Т.Таўманов, Атабаев, И.Имамназаров, И.Мамедалиев, В.Т.Валиулин, Ў.Ахмедов, Ачилов, Бекполатов, Абдалов, Ў.Аюбов, Сулайманов, П.Сунчалиев, Сейфулгабит Мажитов, Рахим Мажитов, Избасар Фазилов, Хожан Абдихаликов, Оразали Қосекеев, Ибат Бекбаулиев, Амет бахши Матназаров, Сейит Тўреев, Жумамурат Жақсимуратов, Махмуд Қунназаров, Камал Тўреев, Абдулла Бабажанов, Тўренияз Айтешов, Халмурат бай Қурбанов, Шиникул бой Халекеев, Тажетдин эшон Аймағамбетов, Тўраоқсоқол, Қалли Тилеўмуратов ва бошқалар,

1941-1950 йиллар: Пиржан Сейтов, Матекке Жуманазаров, Наўриз Жапақов, Нажим Давқараев ва бошқалар.

Булар Қорақалпоғистон Республикаси тарихида, халқ хотирасида чуқур из қолдирган юрт оғалари бўлди. Улар қорақалпоқ халқининг хурматиغا сазовор бўлган, туғилган юртимиз тарихи саҳифаларида номлари зарҳал ҳарфлар билан битишга муяссар инсонлар эди.

Бу улуғ сиймолар йигирманчи йиллар –ўттизинчи йиллар охирида, иккинчи жаҳон уруши даврида ва урушдан сўнгги қайта тиклаш йилларида Қорақалпоғистонга раҳбарлик қилган юртимизнинг ардоқли оқсоқоллари эди. Улар оғир шароитларда, Қорақалпоғистоннинг гуллаб-яшнаши, ривожланиши учун ҳалол хизмат қилишди, халқни оч-яланғоч қолдирмасдан, эл бирлигини сақлаб туришди.

Лекин бу илмий муаммонинг кўп қиррава сирли жиҳатлари ҳанузгача тадқиқ қилинмаган. Айниқса, 1937 йилда қатағонликка учраган давлат арбобларининг қорақалпоқ миллий давлатчилигини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлари, репрессиянинг кетма-кетлиги, овуллардаги турмуш, юртни бошқарган юртбошилар исми-шарифлари ҳалигача тўлиқ ақс этмаган ва илмий муаммо сифатида қўйилмаган.

XX асрда қорақалпоқ халқининг ўз миллий давлатчилигини қайта тиклаш учун кураши солномасини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келамиз:

- Туркистон Республикаси Амударё бўлимининг вилоятга айланиш сабаблари, мақоми, 1924 йилда Ўрта Осиёда бўлиб ўтган миллий-давлат чегаралаш давридаги ҳаёти, сиёсий курашлар, юрт раҳбарлари, Хоразм республикаси билан муносабати чуқур ўрганилиши лозим.

- Араб алифбосида ёзилган Қозоқ-қорақалпоқ мухтор вилояти бошқарув органлари ҳужжатлари ҳали тўлиқ илмий муомалага киритилмаган, давлат арбобларининг таржимаи ҳоли, фаолияти, тақдири ақс этмаган, уларнинг Амударё вилояти фаоллари билан алоқаси ёритилмади, вилоят аҳолиси, маданияти, ҳарбий ҳаёт тарзи, Жунайдохоннинг 1924 йил январь ойидаги юриши давридаги ҳаёти тўла баён этилганича йўқ.

- Хоразм республикаси таркибида тузилган Қозоқ-қорақалпоқ мухтор вилояти тарихи ўзбек ва қорақалпоқ тилларида тайёрланиб нашр этилса, миллатлараро муносабатлар, дўстликни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этар эди.

- 1920-1924 йилларда автономия учун кураш тарихи катта монография тарзида қорақалпоқ тилида тайёрланиши керак.

- Автономия учун курашган юрт ўғлонларининг таржимаи ҳоли, тақдири тўлиқ ақс этиши лозим.

- Мухтор вилоятнинг халқ хўжалиги, маданияти, ҳарбий ҳаёти тўғрисида китоб тайёрлаш керак.

- Мухтор вилоятнинг юридик мақоми ҳақида китобларга эҳтиёж мавжуд.

- 1932-1990 йиллардаги мухтор республика тарихи бутун ҳолатда ёзилиши лозим.
- Репрессиялар тарихи фақат юрт ўғлонларининг алифбо тартибдаги исм-шарифи, олган моддаси билан чекланади. Репрессия тарихи кетма-кет, тарихий саналарга мувофиқ ёзилса, жамоатчиликда бу жараён бўйича тушунча пайдо бўлади.

- Қорақалпоқ халқининг миллий давлатчилиги шаклланиши ва ривожланиш босқичлари академик С.К.Камаловнинг кичик, мазмунли китобида баён қилинган. Келгусида бу китобнинг ҳар бир бўлими бўйича йирик монографиялар тайёрлаш зарур.

- Суверен Қорақалпоғистон Республикаси тарихи энди чуқур тадқиқ қилинмоқда. Жаҳон тарихи контекстида мустақил Ўзбекистон таркибидаги суверен Қорақалпоғистон Республикаси тарихий тажрибасини хорижий журналларда акс эттириш вақти келди. Бундай мақолалар ва китоблар ёзиш - давр талаби бўлиб қолмоқда.

Натижалар ва муҳокамалар (Results and Discussions)

Бугунги кунда Қорақалпоғистондаги фан докторларининг сони 65 нафарга етган, шундан 60 фоздан ортиғи, 600 дан зиёд фан номзодларининг 40 фозиди мустақиллик даврида илмий даражага эга бўлди.

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, археология ва этнография институти ҳузурида К.015.30.01 рақамли ихтисослашган Кенгашда тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун 07.00.01 ихтисосликлари учун Ўзбекистон тарихи бўйича кенгаш ташкил этилди. Бу Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида янги илмий лойиҳалар ва кадрлар тайёрлашда катта қадамлардан бири бўлди. Шу кунгача 55 номзодлик диссертация ишлари ҳимоя қилинди. Ватан тарихи бўйича – 41; археология бўйича – 7; этнология бўйича – 7 номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

1996 йилнинг 16 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги 445-сонли қарори, 1997 йилнинг 24 феврилида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 45/2- сонли «Қорақалпоғистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қорақалпоғистон тарихчилари академик С.К.Камалов, профессорлар К.С.Сарибаев ва Б.А.Кошновлар «Ўзбекистоннинг янги тарихини» ёзишда фаол иштирок этишди [12].

«Қорақалпоғистоннинг янги тарихи» китоби [13] суверенитет ва мустақиллик даврини ўз ичига олган Қорақалпоғистон тарихчиларининг биринчи асари ҳисобланади. Муаллифлар жамоаси бу асарда «ушбу катта ишнинг бошланишида халқнинг ҳақиқий тарихини қайта тиклаш, дунё цивилизациясидаги ўрни ва ролини очиб беришни» ёзиши билан баҳоланди. Бу ўринда муаллифларнинг катта ишлари орқасида олдин махфий сақланган ҳужжатлар ва фактлар чоп этилган материал учун янгилик бўлди. Китобнинг алоҳида аҳамияти муаллифлар гоёвий дунёқарашларининг янги даврда баён қилинишида яққол кўзга ташланади. Янги тарих даврларида турли муаммоларни ўзида акс эттирган монографиялар тадқиқотчиларнинг кўп меҳнатлари орқасида йиғилди. Шу тариқа Қорақалпоғистонда тарих фанининг ривожланиши муайян хулосага келди.

Қорақалпоқларнинг халқ бўлиб шаклланиши ва миллий давлатчилиги босқичларини тадқиқ қилган С.К.Камаловнинг китоби жуда муҳим методологик характердаги асар ҳисобланади [14]. Муаллифнинг фикрича, ҳозирги замонда асосий муаммолардан бири қорақалпоқ этносининг келиб чиқиши ва давлатчилигининг шаклланиш манбаларини топиш саналади. Шу билан бирга муаллиф суверен Қорақалпоғистоннинг ҳозирги замон тарихига оид фойдали маслаҳатларини ҳам берган.

Хулоса (Conclusions):

Мустақиллик даври Қорақалпоғистон тарихини яратишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш даркор:

- аграр муносабатларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, республикамиз қишлоқ, овул ва шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, қишлоқлар кўринишининг ўзгариши, демография тарихига оид ишлар етарли эмас;

• давлатимизнинг ижтимоий соҳаларда, жамиятни сиёсий ислоҳ қилишда, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда, динлараро ва миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда эришилган тарихий ўзгаришлар энг янги тарихимизнинг асосий мавзулари бўлиши керак;

• Интернет тармоғида “Қорақалпоғистоннинг энг янги тарихи”га оид материаллар берилиши лозим.

• Қорақалпоғистоннинг энг янги тарихи йилномасини ишлаб чиқиб, нашр этиш керак.

• Мутахассис кадрларга чуқур миллий ва умуминсоний, тарихий, ғоявий, сиёсий, илмий-назарий дунёқарашни сингдириш, шу мақсад йўлида тарих фанини кенг ўргатиш зарур.

• инсонда миллий мафкура, ғурур ва ўзлик, миллий виждон ва умуминсоний баркамолликни тарбиялаш.

• Ватанпарварлик ва ҳарбий жасорат, Ватанга садоқатни тарбиялаш.

• миллий ва тарихий қадриятларни асраб-авайлаш руҳини сингдириш, уларда олий психологик фазилатларни тарбиялаш.

• Ватан ва халқ, миллат, ота-она, фарзанд, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларини чуқур ҳис қилиш ва уларга содиқ руҳда тарбиялаш.

Тарихчи олимларимизнинг куч-ғайрати туфайли тарихимизнинг кўпгина муҳим саҳифалари янгидан очилди, ўтмишимизни англаш вазифалари умуман якунига етди.

Ҳозир эса асосий вазифа- тарихий тадқиқотларни илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга оширишдан иборат.

• Тарих фани бўйича кадрлар тайёрлаш замонавий муаммо бўлиб қолаверади. Қорақалпоғистонда университет ва педагогика институтида илмий даражага эга 30 нафар атрофида тарихчи мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Бошқа олий таълим муассасаларида илмий даражали тарихшунослар йўқ даражада. Асосий илмий муассаса ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими гуманитар фанлар бўйича илмий тадқиқот институтида фан доктори мавжуд эмас.

• Қадим даврлардан ҳозирги кунгача бўлган Қорақалпоғистон тарихини тайёрлаш ва чоп этиш кун тартибидаги масалалар. Шундай бўлсада бу масалада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими гуманитар фанлар бўйича илмий тадқиқот институти ва олий таълим муассасалари тарихшунослари ўртасида келишув йўқ.

Тарих фани олдида турган қўйидаги илмий масалаларни тадқиқ этиш долзарб деб ҳисоблаймиз:

• XX аср биринчи чорагида иккига ажралган қорақалпоқлар ҳудуди тарихини комплекс ўрганиш;

• Туркистон ўлкаси Амударё бўлими ва вилояти тарихини ёритиш;

• Хоразм республикаси таркибида тузилган Қозоқ-Қорақалпоқ мухтор вилояти тарихини кенг жамоатчиликка етказиш;

• Қозоғистон таркибида тузилган Қорақалпоқ мухтор вилояти тарихини ўрганишни давом эттириш;

• Россия Федерацияси таркибида тузилган Қорақалпоғистон автоном республикаси тарихини тадқиқ қилишни давом эттириш;

• Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети учун кураш тарихини ёритиш;

• XX асрда қорақалпоқлар менталитетининг ўзгариши, хўжалиги, деҳқончилиги, мол чорвачилиги, балиқчилиги, турар жойлари, суғориш иншоотлари, санъати, кийимлари, миллий таомлари, дастурлари бўйича тарихий-этнографик монографиялар яратиш;

• Қорақалпоғистоннинг бошқа кўшни республикалар билан сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлари тарихини ёзиш;

• XX асрда Қорақалпоғистон халқларининг демографик тарихини яратиш;

• 1920, 1937, 1959, 1989 йиллардаги аҳоли ҳисобини юритиш тарихини ёзиш, статистик чалкашликларга барҳам бериш;

• Орол денгизи тарихини (қадим даврлардан бошлаб ҳозирги кунларгача) баён қилиш;

- Маҳаллий тарих жонкуярлари билан замонавий муаммоларда баҳс юритиш; давра суҳбатларини ўтказиш; матбуотда замонавий мавзуларни муҳокама қилиш учун тавсиялар бериш;
- XX аср Қорақалпоғистон тарихининг хорижда ёзилишини ўрганиш;
- Қадим даврлардан бошлаб ҳозирги кунларгача бўлган Қорақалпоғистон тарихи солномасини яратиш.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Зевелев А.И. Историография Советского Туркестана. Историография и источники по истории гражданской войны в Туркестане. Ташкент, 1968.
2. Лунин Б.В., Ахунова М. История исторической науки в Узбекистане. Краткий очерк. Ташкент, 1970.
3. Касымов Ф. Х. Переход народов Средней Азии к социализму, минуя капитализм. Историографический очерк. Ташкент: Фан, 1979
4. Чеботарева В. Г., Раджапова Р. Я. Историко-партийная наука в Узбекистане. Ташкент: Узбекистан, 1982
5. Мухамедбердыев К.М. Ленин и народы Хорезмского оазиса. Вопросы истории, историографии и источниковедения перехода к социализму.— Нукус: Каракалпакстан. 1982
6. Утепов К.Т. Великий Октябрь, становление и развитие исторической науки в Каракалпакстане. 1917-1987 гг.— Нукус: Каракалпакстан, 1988.
7. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани. Тарихшунослик очерклари. Тошкент, 1994.
8. Алимова Д.А. История как история. История как наука. В 2-х томах. Т.1. История и историческое сознание. Ташкент: Узбекистан, 2008
9. Ахмеджанов Г. А. Российская империя в Центральной Азии. История и историография колониальной политики царизма в Туркестане. -Ташкент: Фан, 1995.
10. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. 1-7 илмий тўпламлар. Тошкент, 1009-2015; Тарихшунослик ўқишлари. Тошкент, 2010; Очерки историографии Узбекистана в XX столетии. Ташкент, 2011; Ўзбекистоннинг энг янги тарихидан очерklar: методология, тарихшунослик ва манбашунослик масалалари. Тошкент, 2014; Историческая наука в контексте интеллектуального развития Центральной Азии. Очерки историографии и источниковедения. Ташкент, 2014.
11. Кошанов Б.А., Джумашев А.М. Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпакстана в первой четверти XX века. Нукус: Каракалпакстан, 1997.
12. Узбекистоннинг янги тарихи. 1-3- китоб. — Тошкент: Шарк, 2000
13. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қорақалпоғистон XIX әсирдиң екінши ярымынан XXI әсирге шекем. - Нөкис: Қарақалпақстан, 2003.
14. Камалов С. К. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесийүи хәм мәмлекетлиги тарийхынан. Нөкис, 2001

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000